

Сийрат дарслари (86-дарс). Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир



13:00 / 22.05.2020 4863

364. Зайд ибн Собит розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам масжидда бўйрадан қапа тутдилар. Сўнг Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам унда бир неча кеча намоз ўқидилар. Одамлар у зотнинг ортларида жамланишди. Сўнгра бир кеча овозлари чиқмай қолди. Шунда «ухлаб қолдилар» деган гумон қилишди. Ва баъзилари «чиқсинлар» деб томоқ қира бошлашди. Шунда у зот: **«Сизларнинг қилганларингизни кўриб, зиммангизга ёзилиб қолмасин деб кўрқдим. Агар у зиммангизга ёзилиб қолса, уни бажара олмасдингиз. Ҳой одамлар, уйингизда намоз ўқинглар. Фарз**

намоздан бошқа намозни киши уйида ўқигани афзал», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

365. Жобир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз масжиддаги намозни тугатса, уйи учун ҳам ўз намозидан насиба қолдирсин, чунки унинг ушбу намози сабабли Аллоҳ уйига яхшилик ёғдиради»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

366. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жамоат намози ёлғизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан